



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МУНДАРИЖА :

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев “Хизмат” тушунчасининг иқтисодий кагегория сифатида назарий таҳлили	5
Ибодулла Ҳасанович Ибрагимов, Рустам Алижонович Мусабоев Истеъмолчилик хулқининг трансформацион хусусиятлари	11
Аскар Хайдарович Джумаев Жаҳон хўжалигида иқтисодий тизимларнинг қиёсланишининг услубий жиҳатлари	16
Shahobiddin Ziyadullayevich O‘rozov Amir Temur ijtimoiy faoliyatida ratsionallik yondashuvi	20
Lola Nazarovna Xalikova Ijtimoiy himoyalashga oid nazariy qarashlar	24
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Боҳодир Ибрагимович Исроилов, Бобуршоҳ Боҳодир ўғли Ибрагимов Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ ҳуқуқбузарликларини таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари	28
Қулмамат Джонузоқович Мирзаев, Гиёс Турабекович Юлдашев Республикамизда деҳқончиликни инновацион асосда ривожлантиришни асосий тараққиёт тенденциялари	32
Жунайдулло Садиевич Файзиев Умумий овқатланиш корхоналарини дастурий – аппарат комплексларидан фойдаланиб автоматлаштириш	37
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Раҳматулла Хидирович Эргашев Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси ва унинг самарадорлигини ошириш	42
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Зариф Юсупович Аминов Инсон иқтисодий хавфсизлигига ишчи кучи сифатининг таъсири	49
Zubayda Ubaydullayevna Shodmanova Xizmat ko‘rsatish sohasidagi korxonalarining iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashdagi kamchilik va muammolar	53
Bekjon Shukurillayevich Musayev Oliy ta’lim xizmatlarini raqamli texnologiyalar asosida targ‘ib qilishning uslubiy asoslari	57
Sadoqat Qudratovna Bultakova Xizmat ko‘rsatish sohasi va uning O‘zbekistonda o‘shish dinamikasi	63
Luiza Komilovna Haydarova Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsiyalarni tatbiq etish zaruriyati va omillarini tahlili	67
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Akram Abduraxmonovich Azizqulov Xatirchi tumanida ziyorat turizmini rivojlantirish imkoniyatlari	74

ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Боходир Ибрагимович Исроилов – и.ф.д, профессор.

Бобуршоҳ Боходир ўғли Ибрагимов – и.ф.д. (DSc).

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ХУҚУБУЗАРЛИКЛАРИНИ ТАСНИФЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: солиқ интизомини бузилиши ижтимоий хавфини олдини олиш ва бартараф этиш усулларида бири солиқ ҳуқуқбузарликлари турларини белгилаш ҳамда унинг учун жазо муқаррарлигини йўлга қўйишдир. Мақолада муаллифлар томонидан солиқ ҳуқуқбузарликлари ва уларни таснифлаш, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда жазо тизимини такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ қонунчилиги, ялпи ички маҳсулот, бюджет даромадлари, солиқ интизоми, солиқ ҳуқуқбузарлиги, жазо, жазони муқаррарлиги.

Кириш. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинган даврдан буён ўтган муддат ичида бюджет даромадини асосий манбаини ташкил этувчи солиқларни белгилаш, уларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи солиқ қонунчилигини ишлаб чиқиш ҳамда уни такомиллаштириб бориш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Солиқлар тадбиркорлик субъектлари томонидан яратиладиган даромадни бир қисмини бюджет фойдасига қайта тақсимлайди. Солиқ қонунчилигининг оптималлиги тадбиркорлик субъектларини эркин фаолиятини таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган давлат бюджет-солиқ сиёсати ижроси таъминланишига хизмат қилади. Шу боис рақамли иқтисодиёт ва фаолият шароитида солиқ интизомини мустаҳкамлашга оид тадқиқотлар асосида солиқ ҳуқуқбузарликларини олдини олиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда глобаллашув шароитида “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириши ҳамда “давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш” мамлакатнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги мақсадлардан биридир [1]. Амалга оширилган тадқиқотларда муқаддам мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш самараси ва солиқ қонунчилигини оптималлаштириш тўғрисидаги муносабатларимизни баён этилган [2-7]. Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ ҳуқуқбузарлиги янги турлари юзага келмоқда. Шунинг учун ушбу мавзу бўйича тадқиқотлар далзарб хусусият касб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Солиқ давлат бошқарувида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга иқтисодий категория ҳисобланади. Шу сабабли солиқ мажбуриятлари ва уни бузиш солиқ тўловчи учун ҳам, давлат учун ҳам хавфли бўлган турли салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун солиқ мажбуриятларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида турли илмий қарашлар мавжуд.

Солиқ мажбуриятини тадқиқ этган бир қатор олимлар [8] солиқ мажбуриятларини бузиш маъмурий жавобгарлик каби бир хил ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, солиқ мажбуриятларини мустақил ҳуқуқий мажбурият тури эмас, деган фикрни билдирадилар.

С.Радченко улардан фарқли равишда бошқа бир гуруҳ олимлар [9] эса бунинг тескарисини таъкидлаб, биринчидан, солиқ мажбурияти етарли даражада ўзига хос хусусиятларга эга; иккинчидан, ўз базасига эга - солиқ тўлови, солиқ органи ёки солиқ

мажбуриятлари белгиланадиган бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ноқонуний ҳаракатлар содир этилганлиги (солиқ ва мажбурий тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган) учун айбдор деб топилади, учинчидан эса, ушбу мажбурият махсус тортишиш тартибини назарда тутаяди, деб солиқ мажбуриятини мажбуриятнинг алоҳида эътироф этиш зарурлигини қайд этади.

Шундай қилиб, солиқ мажбуриятларининг ҳуқуқий асоси - бу солиқ қонунчилиги бўлиб, бу ўз навбатида солиқ ҳуқуқбузарлигини ташкил этувчи объектив ва субъектив белгилар тўплами билан тавсифланади.

Тадқиқот методологияси. Мавзуга оид тадқиқотларни олиб бориш ва натижаларни асослаш мақсадида мантиқий фикрлаш, анализ, синтез, таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг таркиби солиқ қонунчилиги меъёрлари билан белгилаб қўйилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар солиқ қонунбузарлиги сифатида кўриб чиқишга имкон берувчи аломатлар (элемент) ҳисобланади. Улар таркиби:

- солиқ ҳуқуқбузарлигининг объекти, яъни солиқ соҳасида қонун билан ҳимояланган ижтимоий муносабатлар тизими мавжудлиги;
- объектив жиҳати, яъни солиқ қонунчилиги ва қоидаларида назарда тутилган ноқонуний ҳаракатлар белгилар мавжудлиги;
- солиқ ҳуқуқбузарлигининг субъекти, яъни уни содир этган ва қонуний жавобгарликка тортиладиган шахслар мавжудлиги;
- субъектив жиҳати, яъни ноқонуний хатти-ҳаракатнинг (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ички томонини акс эттирувчи хусусиятлар мажмуи ва айбдорнинг хатти-ҳаракати ва унинг оқибатлари ҳақида содир бўлган ички руҳий жараёнларни тавсифи мавжудлиги ҳисобланади.

Солиқ мажбуриятларининг ўзига хослиги шундаки, унинг таркиби турли хил бўлиб, у ҳуқуқ соҳаларининг тенг ва мустақил бошқа соҳаларини ҳам қамраб олади. Шунинг учун солиқ муносабатларининг механизмини ҳуқуқий ҳимоя қилиш турли хил қонуний ҳужжатлар билан тартибга солинади (1-расм).



1-расм. Солиқ муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик тизими таркиби

Чизмадан кўришимиз мумкинки солиқ муносабатларини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат Конституция ҳисобланади. Солиққа оид конституциявий меъёрлари

солиқ, фуқаролик, божхона, жиноий ва маъмурий қонунчиликлар билан таъминланади. Шу сабабли солиқ мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлик тармоқлараро ҳуқуқий жавобгарлик тизими ҳисобланади, деган хулоса қилишимиз мумкин.

Замонавий қонунчилик тизими солиқ тўлаш мажбурияти ва унинг учун жавобгарликни белгилаш масалаларига етарлича эътибор беради. Бироқ, ушбу элементларни объектив тушуниш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг хусусиятларини аниқлаш, мавзунинг ривожланиш тарихий тажрибасига асосланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин эмас.

Тадқиқотчилар солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳар қандай давлатнинг солиқ тизими билан параллел равишда ривожланиб борганлигини қайд этади. Кишилик жамияти ривожланишининг барча босқичларида аҳоли айрим гуруҳлари ёки жисмоний шахсларнинг мол-мулкининг бир қисмини ёки қимматбаҳо буюмларини давлатга солиқ сифатида беришни истамасликлари ва уларни бартараф этиш чоралари давлат томонидан кўриб борилган.

Давлат ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун солиқ тўловчилар томонидан бундай ҳаракатларни содир этишни тўхтатиш, солиқлар тўлашдан бўйин товлаган шахслар билан курашиш, солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик учун жавобгарликни белгилашни ўз зиммасига олади. Албатта, солиқ муносабатлари ривожланишининг ҳар босқичида солиқ ҳуқуқбузарликлари ижтимоий хавфлилик даражаси турлича баҳоланган.

Амир Темур молия ва солиқ қонунларини ишлаб чиқишда ўзидан олдинги ҳуқумдорлар, замондошлари тажрибасидан ҳамда ўзи истило қилган мамлакатлар солиқ тизимининг ижобий томонларидан кенг фойдаланган [10]. Классик иқтисодчилардан ҳисобланган Адам Смитдан 400 йил олдин Амир Темур солиққа тортишда адолатлилик тамойилига амал қилиш зарурлигини баён этиб, «...амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушиб қолишдан сақлансинлар. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради», [11] деган илғор фикрни авлодларга мерос сифатида қолдиради.

Кишилик жамиятининг ривожланиб бориши жараёнида солиқдан бўйин товлаш учун жавобгарликнинг шафқатсиз жазо турлари (мажбурий меҳнатга жалб, узоқ муддат озодликдан маҳрум қилиш, мулкни мусодара қилиш ва бошқалар) либерал маъмурий чоралар билан алмаштирилган.

Бундан ташқари, солиқ соҳасидаги ушбу соҳанинг тарихий ривожланиши натижаларини умумлаштирган тадқиқотчилар томонидан солиқ мажбуриятлари ижроси жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқлиги бўйича бир қатор қуйидаги қонуниятлар қайд этилади:

- жамият фаровонлигини ошганда давлат томонидан солиқ юки камаяди ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун масъулият даражаси янада либераллашади, аксинча, жамиятнинг фаровонлигини пасайганда солиқ масъулиятини оширилади ва солиқ мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилади [12];

- солиқ мажбуриятлари соҳасини тартибга солувчи қоидаларни такомиллаштириш ва солиқ тўлашдан бош товлашнинг янги усуллари ва шаклларига барҳам бериш мақсадида қонун чиқарувчи "бўшлиқларни" йўқотишга ҳаракат қилиб, жиноят қонунчилиги ҳамда мамлакат солиқ тизимидаги ўзгаришларни кузатиб боради ва солиқ тизимининг ўзгариши билан зарур чоралар белгилайди [13].

Шубҳасиз, бугунги кунда солиқ мажбуриятлар меъёрлари ва уни бузганлик учун жавобгарлик чоралари аввалги тарихий даврларга қараганда аниқ шакллантирилган. Ушбу принциплар солиқ муносабатлари тарихий ривожланишининг узоқ давом этиши натижасида шаклланган бўлса-да, ҳозирги вақтда улар ҳам мукамал эмас.

Замонавий қонунчилик ҳам солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун етарли механизмлар ва кафолатлар бермайди. Мавжуд солиқ тизими солиқ тўловчилар

гуруҳлари ўртасида солиқ имтиёзларини адолатли тақсимлаш, бюджет даромадларининг етакчи манбалари бўлган солиқларни максимал миқдорини белгилаш, солиқлар миқдори солиқ тўловчиларни рағбатлантириши ва иқтисодийни барқарор ривожланишини таъминлаши зарур.

Солиқ муносабатларида иқтисодийнинг глобаллашуви натижасида юзага келаётган муаммолар ушбу муносабатларнинг мураккаб табиатни янада кучайтиради. Шу сабабли кишилиқ жамияти ривожланишнинг барча даврларида солиқ муносабатлари соҳаси энг мураккаб, баҳсли ва қарама-қаршиликлардан бири сифатида тавсифланади.

Чунки солиқлар пайдо бўлгандан буён “оддий халқ” манфаатини эмас, “ҳукмдор синфлар”, кейинчалиқ эса давлат манфаатига хизмат қилишга қаратилган. Солиқ муносабатларида “оддий халқ”нинг ўз манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат турли қарама-қаршилик ва зўравонликка учраган. Мовоуннаҳр давлати худудидаги Муқанна, Сарбадорлар, Маҳмуд Яловоч, Жиззах қўзғолонлари сабаблари солиқ муносабатларида “оддий халқ” манфаатини таъминлаш бўлган.

XVII асрда Европа давлатларининг солиқларга бўлган эҳтиёжи молиявий тадқиқотлар ва илмий қарашларга эътиборни кучайтирди. Натижада молия фанини ривожланди ва давлат молиясини шакллантириш бўйича янги ғоялар пайдо бўлди. Шундай муҳим ғоялардан бири инглиз файласуфи ва иқтисодчиси Т.Хоббес 1642 йилда [14] солиқчиларнинг мутлақ ҳуқуқи ҳақида ғояни илгари сурди, бироқ айна пайтда Т.Хоббес солиқларни белгилашда мувозанат ва бир хилликни сақлаш зарур, деган хулоса қилади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотларимиз натижаларига асосан солиқ ва мажбурий тўловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни белгилашда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш зарур деган хулосаларга келинди ҳамда уни таснифлашда қуйидаги хусусиятларни инобатга олиш таклиф этилади:

- солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлик учун ёш аниқ белгиланиши;
- солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик солиқ тўловчиларни солиқ мажбуриятини бажаришдан озод этмаслиги;
- солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жазолари уларнинг хусусиятини, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда, дифференциал тарзда белгилаш;
- ҳуқуқбузарлик учун молиявий жазо чорасини қўллашда давлатга етказилган зарар миқдорини ҳисобга олиш;
- бир хил ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким икки марта жазоланмаслик чораларини белгилаш;
- жазони белгилашда ҳуқуқбузарнинг шахси, айбдорликнинг хусусияти, вазиятни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар инобатга олиниши зарурлигини кўрсатмоқда.

Рақамли иқтисодий шароитида хўжалиқ-молиявий фаолияти ҳаракатларининг электрон платформалар орқали амалга оширилиши жараёнларининг ўсиб бориш тенденцияси солиқ ҳуқуқбузарликларини таснифлашни такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шу сабабли ушбу ёндошувлар солиқ ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва камайтиришга хизмат қилади, дб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. lex.uz.
2. Ибрагимов Б.Б. Солиқ маъмуриятчилиги: муаммо ва ечимлар.Т.:“Ноширлик ёғдуси”, 2022.226 б.
3. Исроилов Б.И., Ибрагимов Б.Б., Ахмедов З. Влияния теневой экономики на экономическую безопасность страны // Теневая экономика. – 2021. – Том 5. – № 4. doi: 10.18334/tek.5.4.113690.

4. Исроилов Б.И., Ибрагимов Б.Б. Иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни аниқлаш масалалари // Ўзбекистон миллий ахборот Агентлиги – ЎЗА Илм-Фан Бўлими (Электрон журнал). 2021, октябрь.
5. Ибрагимов Б.Б. Иқтисодий рақамлаштириш шароитида солиқ мажбуриятини белгилашни такомиллаштириш // Сервис, 2021, №3, 151-154 б.
6. Ибрагимов Б.Б. Солиқлар ҳисобининг солиқ маъмурчилигини ташкил этишидаги роли. // Сервис, 2022, №2, 170-174 б.
7. Ибрагимов Б.Б. Солиқ маъмуриятчилиги ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журналы, 2022, Махсус сон, 93-94 б.
8. Демин А.В. Повышение налоговой культуры – важнейший компонент перехода к «партнерской» модели налогового администрирования. // Материалы VIII Международной научно-практической конференции «Актуальные направления научных исследований: от теории к практике». Т.2- Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2016.– № 2 (8). –С. 271–275.
9. Радченко С.Д. Злоупотребление правом в налоговых отношениях. // Юрист. 2005. № 10.– С. 23.
10. Исроилов Б.И. “Соҳибқироннинг солиқ сиёсати”. Янги Ўзбекистон. /№ 69 (1130), 2024 йил 6 апрель.
11. Амир Темур “Temur tuzuklari”, Т.: O‘zbekiston, 2011-у. 143 б.
12. Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слово мудрым. Разное о деньгах. – М: Ось-89, 1997.– С. 346.
13. Пономарев А.И., Игнатова Т.В., Богатырев М.А. Налоги и налоговое администрирование в Российской Федерации. – М., 2011. – С. 548.
14. Хоббес Т. (Thomas Hobbes). Философские рудименты, касающиеся правительства и общества. 1651, Источник: <https://biographe.ru/uchenie/thomas-hobbes>.

<p>Б.Исроилов, Б.Ибрагимов</p> <p>Особенности классификации налоговых правонарушений в условиях цифровой экономики</p> <p>Аннотация: одним из способов предотвращения и устранения социального риска нарушения налоговой дисциплины является определение видов налоговых правонарушений и установление неотвратимости наказания за них. В статье авторы исследовали налоговые правонарушения и их классификацию, ее особенности, а также вопросы совершенствования уголовно-исполнительной системы.</p> <p>Ключевые слова: налог, налоговое законодательство, валовой внутренний продукт, доходы бюджета, налоговая дисциплина, налоговое правонарушение, наказание, неотвратимость наказания.</p>	<p>B.Isroilov, B.Ibragimov</p> <p>Features of the classification of tax offense in the digital economy</p> <p>Abstract: one of the ways to prevent and eliminate the social risk of violation of tax discipline is to define the types of tax offenses and establish the inevitability of punishment for it. In the article, the authors studied tax offenses and their classification, its specific aspects, and issues of improving the penal system.</p> <p>Keywords: tax, tax legislation, gross domestic product, budget revenues, tax discipline, tax offense, punishment, inevitability of punishment.</p>
--	---

Қулмамат Джонузоқович Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Ғиёс Турабекович Юлдашев – ТДИУ Самарқанд филиали мустақил тадқиқотчиси.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ ИННОВАЦИОН АСОСДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ АСОСИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада Республикамизда деҳқончиликни инновацион асосда шакллантириш асосида ўсиб бораётган янги бозор эҳтиёжларига мос маҳсулотларни қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этиш асосида муаммоларни ҳал қилиш, ҳамда ошаётган давлат талабини самарали қондиришда муҳим вазифа сифатида соҳани ривожлантириш зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: инновацион технологиялар, деҳқончилик, ғаллачилик, экстенсив, интенсив, сабзавотчилик, узумчилик, картошкачилик, тамагирчилик.

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.